

Рафеев Д.Р., и.ф.н.
СамИСИ доценти

ТАДБИРКОРЛИКНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ – АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ИСЛОҲОТЛАР САМАРАСИ

Аннотация: мақолада мамлакатимизда тадбиркорлик фаолияти, уни ҳозирги ҳолати, эришилган натижалар, ривожлантиришини устувор йўналишлари тадқиқ этилган.

Калим сўзлар: тадбиркорлик, иқтисодий ислоҳотлар, иқтисодий ўсиши, драйвер, давлат сиёсати, кафиллик, компенсация, кредит линияси, маҳаллабай ишилаш, субсидия, иш ўринлар, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари.

Rafeev D.R., i.f.n.
associate professor SamISI

SUPPORT FOR ENTREPRENEURSHIP IS THE RESULT OF THE ONGOING REFORMS

Annotation: In the article, entrepreneurship activity in our country, its current state, achieved results, priority directions of development are researched.

Key words: entrepreneurship, economic reforms, economic growth, driver, public policy, guarantee, compensation, line of credit, neighborhood work, subsidy, jobs, small business and private entrepreneurship.

Кириш. Мустақиллик йилларида юртимизда тадбиркорликка, айникса, оиласи тадбиркорликка кенг йўл очилди. Бугун ўз бизнесини йўлга қўйиб, ўзи, оиласи, маҳалла, эл-юрт фаровонлигига муносиб ҳисса қўшаётган, иқтисодиётимиз тараққиётига хизмат қилаётган тадбиркорлар сафи тобора кенгаймоқда.

Бугунги кунда мамлакатимизда тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш борасида олиб борилаётган ислоҳотлар натижасида юртимиз аҳолиси ўртасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишга қизиқиш тобора ортиб бормоқда.

Мавзуга оид манбалар ва адабиётлар таҳлили. Мамлакатимизда тадбиркорлик фаолиятини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш бўйича яхлит тизим яратиш ва тадбиркорликнинг барча шаклларини ривожлантиришга қаратилган ягона давлат сиёсатини юритиш мақсадида 2012 йил 2 майда Ўзбекистон Республикасининг “Тадбиркорлик фаолияти эркинлиги кафолатлари тўғрисида”ги Қонуни қабул қилинган. Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги хузуридаги

Маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги, унинг худудларда бошқармалари фаолият кўрсатмокда.

Тадқиқот методологияси. Мазкур тадқиқот ишида диалектик ёндашув, мантиқий фикрлаш, таққослама таҳлил ва синтез, гурухлаш, баҳолаш ва бошқа усууллардан фойдаланилган.

Таҳлил ва натижалар. Ташкил этилган агентликка республикада тадбиркорликни ва маҳаллаларни иқтисодий ривожлантириш борасида ягона давлат сиёсатини юритиш, маҳаллабай ишлашнинг вертикал тизими асосида аҳолининг даромадли меҳнат билан бандлигини таъминлаш, уларни тадбиркорликка жалб қилиш ва ўқитиш ҳамда ўзини ўзи банд қилиш фаолиятига йўналтириш, ваколатли давлат органлари ва ташкилотлари ҳамда ҳоким ёрдамчиларининг фаолиятини мувофиқлаштириш, иқтисодий ривожланишни таъминлашда тадбиркорликни муҳим драйверга айлантиришнинг янги ёндашувларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, худудларда тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш дастурларини шакллантириш ва амалга ошириш ҳамда шу каби бир қатор вазифалар юклатилган.

2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси¹, давлатимиз раҳбарининг бу борада изчил амалга ошираётган сиёсати Маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги ташкил этилиши, 2022 йил январь ойидан республиканинг барча маҳаллаларида тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича туман (шаҳар) ҳокимларининг ёрдамчилари лавозими таъсис этилганлигида кўришимиз мумкин.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, ҳоким ёрдамчиларига берилган ваколат ва хуқуqlар доирасида маҳаллабай ишлаш тизими орқали аҳолига бериладиган кўмак ва ёрдам (ижарага ер бериш, кредит, субсидия, касбга ва тадбиркорликка ўқитиш, доимий ва мавсумий ишга жойлаштириш, ўз-ўзини банд қилиш орқали норасмий сектордаги фуқаролар фаолиятини қонунийлаштириш ва бошқалар) ҳар бир маҳалла аҳолиси, айниқса, қишлоқ аҳолиси турмуш тарзи ўзгариши, бандлиги таъминланиши ва муқим даромадга эга бўлишида кенг имкониятлар яратмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2022 йил 20 декабрдаги Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномасида “Хусусий сектор ва тадбиркорликнинг ривожланиши ортга қайтмас жараёнга айланди”, “Энди тоифага қараб, туманларнинг иқтисодий ривожланишини белгилаймиз. Тадбиркорлар учун субсидия, кредитлар ва

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январда имзоланган “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60 сонли Фармони. <https://lex.uz/uz/docs/5841063>. 1-илова, 1-мақсад.

компенсациялар тоифалардан келиб чиқиб ажратилади. Улар учун солиқ ставкалари ҳар хил бўлади” деб таъкидлаган².

Мамлакатимизда тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш борасида олиб борилган ишлар натижасида тадбиркорлар сони ортиб бормоқда. Жумладан, бу борада Самарқанд вилоятида амалга оширилган ишлар ҳам ушбу йўналишларда олиб борилган ислоҳотлар самарасидан далолат беради (1-жадвал).

1-жадвал

Самарқанд вилоятида 2022 йилда кичик тадбиркорлик субъектларининг ҳудудлар кесимида сони ва улар фаолияти³

№	Шаҳар ва туман номи	Рўйхатга олинган		Фаолият кўрсатаётган		Янги ташкил этилган		2022 йил 2021 йилга нисбатан		
		2021 йил	2022 йил	2021 йил	2022 йил	2021 йил	2022 йил	Рўйхатдан ўтган	Фаолият кўрсат аётган	Янги ташкил этилган
	Самарқанд вилояти	43130	51025	40724	47943	10814	10613	118,3	117,7	98,1
1	Самарқанд шаҳри	12564	14675	11953	13775	2734	2605	<i>116,8</i>	<i>115,2</i>	<i>95,3</i>
2	Каттақўргон шаҳри	1445	1631	1351	1539	301	310	<i>112,9</i>	<i>113,9</i>	<i>103,0</i>
3	Оқдарё тумани	1852	2259	1701	2068	601	537	<i>122,0</i>	<i>121,6</i>	<i>89,4</i>
4	Булунғур тумани	1689	2125	1619	2012	421	505	<i>125,8</i>	<i>124,3</i>	<i>120,0</i>
5	Жомбой тумани	1708	2014	1650	1934	440	455	<i>117,9</i>	<i>117,2</i>	<i>103,4</i>
6	Иштиҳон тумани	2319	2764	2206	2595	656	660	<i>119,2</i>	<i>117,6</i>	<i>100,6</i>
7	Каттақўргон тумани	2158	2594	2085	2450	563	558	<i>120,2</i>	<i>117,5</i>	<i>99,1</i>
8	Қўшработ тумани	907	1106	847	1029	224	244	<i>121,9</i>	<i>121,5</i>	<i>108,9</i>
9	Нарпай тумани	1276	1513	1254	1467	310	318	<i>118,6</i>	<i>117,0</i>	<i>102,6</i>
10	Пайариқ тумани	2259	2676	2089	2472	564	535	<i>118,5</i>	<i>118,3</i>	<i>94,9</i>
11	Пастдарғом тумани	3668	4385	3408	4061	1065	919	<i>119,5</i>	<i>119,2</i>	<i>86,3</i>
12	Пахтачи тумани	1052	1268	1017	1203	313	293	<i>120,5</i>	<i>118,3</i>	<i>93,6</i>
13	Самарқанд тумани	3428	3879	3085	3551	860	870	<i>113,2</i>	<i>115,1</i>	<i>101,2</i>
14	Нуробод тумани	1313	1582	1211	1514	408	411	<i>120,5</i>	<i>125,0</i>	<i>100,7</i>
15	Ургут тумани	3654	4317	3532	4189	886	892	<i>118,1</i>	<i>118,6</i>	<i>100,7</i>
16	Тайлоқ тумани	1838	2237	1716	2084	468	501	<i>121,7</i>	<i>121,4</i>	<i>107,1</i>

Жадвал маълумотлари шуни кўрсатадики, ушбу ижобий ўзгаришлар вилоятда тадбиркорликни устувор йўналишлари бўйича олиб борилаётган ишлар натижасида амалга ошмоқда.

Тадбиркорликни устувор йўналишларига оиласидан тадбиркорликни ривожлантириш, норасмий фаолият олиб бораётган кичик бизнес субъектлари фаолиятини расмийлаштириш, бўш ер участкаларини онлайн аукцион савдоларига чиқариш, ҳудудий дастурлар, хотин-қизлар ва оиласидан қўллаб-қувватлаш жамоат фонди, хорижий инвесторлар томонидан амалга ошириладиган лойиҳалар, бўш турган ва тўла қувватда фойдаланилмаётган

² Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2022 йил 20 декабрдаги Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномаси (7, 21-саҳифалар).

³ Samstat.uz - Самарқанд вилояти Статистика бошқармаси расмий веб сайти

давлат мулки бўлган объектлардан самарали фойдаланиш, бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари орқали ажратиладиган кредит линияси ҳамда бошқа йўналишлар киритилган.

Мисол учун, 2022 йилда тадбиркорликни ривожлантириш мақсадида оилавий тадбиркорлик дастурлари доирасида **40 254 нафар** фуқароларга **901,9 млрд.сўм** итиёзли кредитлар ажратилган бўлса, эҳтиёжманд, кам таъминланган ва ижтимоий дафтардаги оилаларнинг тадбиркорлик қилиш истаги бўлган **7 286 нафар** оила аъзоларига **19,5 млрд.сўм** субсидия маблағлари ажратилган (2-жадвал).

2-жадвал

Ҳоким ёрдамчилари томонидан маҳаллада тадбиркорликни ривожлантириш, аҳолига молиявий кўмак бериш бўйича 2022 йилда ажратилган маблағлар тўғрисида⁴ МАЪЛУМОТ

№	Худудлар номи	Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари доирасида ажратилган имтиёзли кредит		Ажратилган субсидиялар	
		сони	суммаси, млн.сўм	сони	суммаси, млн.сўм
Самарқанд вилояти		40254	901878,9	7286	19470
1	Самарқанд шаҳар	3590	59767,8	376	1164
2	Тойлоқ тумани	1594	37223,8	376	842
3	Каттақўргон шаҳар	1678	35528,0	316	754
4	Оқдарё тумани	2383	48226,4	269	1172
5	Булунғур тумани	2725	57427,6	492	1166
6	Жомбай тумани	1857	44140,1	513	1041
7	Иштихон тумани	3058	81284,5	662	1479
8	Каттакўргон тумани	2358	60849,3	422	1359
9	Қўшработ тумани	1911	48069,6	491	949
10	Нарпай тумани	2434	59724,7	334	1209
11	Пайариқ тумани	2724	82460,8	641	1750
12	Пастдарғом тумани	3972	73876,6	263	1335
13	Пахтачи тумани	1921	47795,0	437	1290
14	Самарқанд тумани	2184	38881,1	589	1448
15	Нуробод тумани	1570	40092,2	406	916
16	Ургут тумани	4295	86531,3	699	1598

Ушбу молиявий кўмак натижасидан ҳоким ёрдамчилари томонидан тадбиркорликни ривожлантириш ва аҳоли бандлигини таъминлаш борасида амалга оширилган ишлар натижасида 2022 йилда даромадли меҳнат билан банд бўлган аҳоли сони **353 802 нафарни ташкил қилган** бўлса, уларнинг **118 095 нафари** тадбиркорликни ривожлантириш орқали доимий ишларга,

⁴Uztrade.uz Маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги расмий веб сайти

13 125 нафари якка тартибдаги тадбиркорлик ташкил қилиш ҳисобига ташкил этилганлиги, ушбу соҳада олиб борилаётган ислоҳотлар самараси ҳисобланади. (3-жадвал)

3-жадвал

Самарқанд вилоятида ҳоким ёрдамчилари томонидан тадбиркорликни ривожлантириш ва аҳоли бандлигини таъминлаш борасида амалга оширган ишлари натижасида 2022 йилда даромадли меҳнат билан банд бўлганлар аҳоли сони тўғрисида⁵

№	Худудлар номи	Даромадли меҳнат билан банд бўлганлар сони	Жами	Бандлиги таъминланганлар сони			Ижара асосида ер ажратиш ҳисобига банд бўлганлар	
				шундан доимий иш жойларига	ҳак тўланадиган жамоат ишларига	ўзини ўзи банд қилганлар		
	Самарқанд вилояти	353802	303749	118095	12888	172766	13125	36928
1	Самарқанд шаҳар	44166	42029	18847	1743	21439	2137	
2	Тойлоқ тумани	21523	19172	6107	678	12387	706	1645
3	Каттакўрғон шаҳар	9381	8739	2922	620	5197	642	
4	Оқдарё тумани	16463	14013	5476	991	7546	469	1981
5	Булунғур тумани	23261	18305	6019	750	11536	927	4029
6	Жомбай тумани	16786	14233	5956	549	7728	688	1865
7	Иштиҳон тумани	25084	21370	11460	563	9347	562	3152
8	Каттакўрғон тумани	23622	20003	7676	502	11825	766	2853
9	Қўшработ тумани	11594	10668	3743	706	6219	400	526
10	Нарпай тумани	21224	16790	5017	869	10904	832	3602
11	Пайариқ тумани	23951	19046	7642	580	10824	644	4261
12	Пастдаргом тумани	32197	24496	9445	1371	13680	722	6979
13	Пахтачи тумани	17742	14968	5611	1055	8302	595	2179
14	Самарқанд тумани	22295	20305	7719	620	11966	867	1123
15	Нуробод тумани	15140	14183	5819	708	7656	449	508
16	Ургут тумани	29373	25429	8636	583	16210	1719	2225

Хуноса ва таклифлар. Мамлакатда тадбиркорликнинг барча шаклларини ривожлантиришга қаратилган ягона давлат сиёсати юритилаётганлиги, аҳолини, айниқса, ёшлар ва хотин-қизларни тадбиркорликка кенг жалб қилиш ишлари олиб борилаётганлиги, соҳани ривожлантириш борасида бюрократик тўсиқлар, ғовларни бартараф этилаётганлигидан далолат бериб, иқтисодий ўсишни таъминлашда тадбиркорликни муҳим драйверга айлантиришнинг концептуал ва стратегик ёндашувларини ишлаб чиқишига туртки бўлади.

Ушбу йўналишда амалга оширилаётган ислоҳотлар давоми сифатида келгусида тадбиркорликни ривожлантириш, фуқароларнинг бизнес лойиҳа ва ташаббусларини кўллаб-куватлаш, аҳоли бандлигини таъминлаш ҳамда камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича ҳар бир маҳаллада ҳоким

⁵**Uztrade.uz** Маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги расмий веб сайти

ёрдамчиси лавозими йўлга қуишиб, уларга оилавий тадбиркорлик дастурлари доирасида аҳолига кредит ва субсидиялар учун тавсиянома бериш ваколати берилди.

Бу эса ҳар бир маҳаллада тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича тенг имконият берилишининг муҳим омили ҳисобланади.

Тадқиқот олиб бориши натижасида қуидаги таклифлар тавсия этилади:

1. Аҳолини тадбиркорлик фаолиятига янада кенг жалб қилиш ва қонуний меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун қўшимча шарт-шароитларни яратиш мақсадида ўзини-ўзи банд қилган фуқаролар тадбиркорликни расмий шаклларига жалб қилиниб, уларга имтиёзли равишда кредит бериш, субсидия ажратиш ва фаолиятини бошлаган дастлабки йилда барча солик ва бошқа мажбурий тўловлардан озод этиш.

2. Бизнес-лойиҳалари асосида ёшлар ва хотин-қизларни иш билан таъминлаган тадбиркорлик субъектларига банк кредитлари бўйича гаров таъминотини тегишли сектор раҳбарлари кафолатлари асосида бериш.

3. Тадбиркорликни бошлашдан тугатишгача бўлган жараённи ўргатиш, маблағ ҳисобига тадбиркорликни юритиш ва шакллантириш, бизнес лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, маҳсулот ишлаб чиқариш, иш бажариш ҳамда сотиш (маркетинг хизмати), бизнесни бошқариш (менеджмент), маслаҳат ва кўрсатмалар берувчи консалтинг хизматлари ташкил этиш, малакали кадрлар тайёрлаш мақсадида Маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги қошида Бизнес марказ ташкил қилиш.

4. Кичик тадбиркорлик субъектлари молиявий аҳволини яхшилаш ҳамда даромадларини банк орқали айланишини рағбатлантириш мақсадида уларга банк орқали айланган даромад суммаларига қараб, гаровсиз кредит бериш тизимини жорий этиш.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 2 майда янги таҳрирда қабул қилинган “Тадбиркорлик фаолияти эркинлиги кафолатлари тўғрисида”ги Конуни

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Маҳаллада тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш бўйича давлат сиёсатининг устувор йўналишлари тўғрисида» 2021 йил 3 декабрдаги ПФ-29-сон Фармони

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Маҳаллада тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича ҳоким ёрдамчилари фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2021 йил 3 декабрдаги ПҚ-31-сон Қарори

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январда имзоланган "2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг

тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60 сонли Фармони.
<https://lex.uz/uz/docs/5841063>

5. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2022 йил 20 декабрдаги Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномаси (7, 21-саҳифалар).